

**“ЖАРҚҮРГОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Сурхондарё вилояти,
Жарқүрғон тумани, Толачи кӯчаси 35-үй

2020 йил 12 август

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Жарқүрғон тумани, Толачи кӯчаси 35-үй, “Жарқүрғон пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: 09:00

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: 09:50

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: 10:00

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 5 034 990.

“Жарқүрғон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2020 йил 15 июлдаги 01-08/34-сонли таклифи инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2020 йил 21 июлда қабул қилинган қарорга мувофиқ 2020 йил 12 августда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2020 йил 07 август.

Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 21 июлда ўтказилган йиғилишида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ваколати “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси в.в.б. Ш.Курбановга берилган.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қўйидагилар сайланди:

1. Курбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси вазифасини вактинча бажарувчи - Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Гулямов Нигматулло Кадирович – “Сурхондарё минтакавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси, Кузатув кенгаш аъзоси.

3. Абдураҳмонов Муҳиддин Рахматуллаевич – жамият Кузатув кенгаш аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб Ш.Баратов – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиги сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси Ш.Баратовга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2020 йил 07 август ҳолатига шакллантирилган “Жарқүрғонпахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 797 та акциядорга тегишли 5 034 990 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 4 057 610 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 13 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 80,59 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) хисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

1. Худайкулов Джаманазар Раджабович – жамият бош директори в.в.б.;

2. Исломов Акмал Ҳакимович – жамият тафтиш комиссияси раиси;

3.Р.Турсунов – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директор-бош бухгалтер;

Йиғилишда раислик килувчи Ш. Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон килди.

КУНТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якуни ва бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботини эшлиши.
4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хulosасини тасдиқлаш.
6. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшлиши.
- 7.Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хulosаларини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ҳисоботини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
- 10.Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириши кўриб чиқиши.
- 11.Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувани, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган хақининг энг кўп миқдорини белгилаш.
12. Жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
13. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
14. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
15. Жамият активларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказиш тўғрисида.
16. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йигилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.
17. Жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган хомийлик ва беғараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатига олиб бориш.
- 18.Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритини.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, мухокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик килувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг

хукуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида”ги Үзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасын асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2020 йил 21июлдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркиби жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Баратов Шаймардон Суюнович, жамият бош бухгалтер ёрдамчиси Хонимқулов Соатмурод, жамият иш хақи бўйича хисобчи – Кулмуминов Жовли Кулашаровичлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**Ёқлайман – 4 057 610 та овоз, Қарши – йук, Бетараф – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Уч кишидан иборат қўйидаги таркибасаноқ комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Баратов Шаймардон Суюнович;
- 2) Хонимқулов Соатмурод Эшмуминович;
- 3) Кулмуминов Жовли Кулашарович.

2. Саноқ комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта энг кам ойлик иш хақининг 5 баробари миқдорида рағбаатлантирилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик килувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшилтириди. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги 18 та масала кўрсатилганлигини ва хар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача ваqt ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**Ёқлайман – 4 057 610 та овоз, Қарши – йук, Бетараф – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият ижроия органи раҳбари-бош директор в.в.б Д.Худайкулов сўзга чиқиб, 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот 1-илова қилинади).



Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий химоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи мухокама қилиниб, йўл кўйилган камчиликлар юзасидан бош директор в.в.б Д.Худайкуловга тегишли топшириклар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан бош директорнинг 2019 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисботини маълумот учун қабул килиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетендаовоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 4 057 610та овоз, **Қарши** – йўқ, **Бетараф** – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов жамият ҳисоб ракамида эркин маблағ бўлмаганлиги сабабли аудиторлик химатлари учун тегишли шартномага асосан маблағлар ўтказиб берилмаганлиги учун аудиторлик ташкилотлари томонидан 2019 йил якуни бўйича аудитор хulosаси тақдим этилмаганлигини маълум килди.

Шу сабабли ушбу масала жамият акциядорларининг кейинги, яъни йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилиши хакида маълум қилди

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –йўқ; **“Қаршилар”**- йўқ; **“Бетарафлар”**- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар 1 453 930 та овоз.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилмади:

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Р. Турсуновга сўз берди.

Р.Турсунов жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хulosасини ўқиб эшиттириди хulosса 2-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хulosасини маълумот учун қабул қилишини таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 057 610 та овоз; **“Қаршилар”**- йўқ; **“Бетарафлар”**- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйичаакциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

1. Жамиятнинг 2019 йил якуnlари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якуnlарига кўра тузилган Тафтиш комиссиясининг хulosаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича Кузатув кенгаши аъзоси Н.Гулямов сўзга чиқиб, йигилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича хисоботини ўқиб эшиттирди (хисобот З-илова қилинади).

Хисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йигилишлар, йигилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йигилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича хисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 057 610 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йигилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик ташкилотларининг тегишли хulosалари олинмаганлиги сабабли кун тартибидаги еттинчи масала жамият акциядорларининг келгуси йигилишида, яъни навбатдан ташқари умумий йигилишида кўриб чиқилишини ва ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига овоз берилмасликни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қабул қилмади.

1. Жамиятнинг 2019 йил якуnlари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хulosалари олингандан сўнг жамият акциядорларининг кейинги, яъни навбатдан ташқари умумий йигилишида кўриб чиқилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йигилиш раиси Ш.Курбонов сўзни жамият бош директори в.в.б Д.Худайкуловга берди.

Д.Худайкулов жамиятнинг 2019 йил якуnlари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш – “LEADER FINANCE” масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, жамият хисоб ракамида эркин маблағ бўлмаганлиги сабабли корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хизмати учун



"LEADER FINANCE" МЧЖга тегишли шартномага асосан маблағлар ўтказиб берилмаганлиги сабабли баҳолаш хисоботи тақдим этилмаганлигини маълум қилди.

Йиғилишда раислик килувчи Д.Худайкулов акциядорлардан 2019 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими мустакил баҳолашнинг тегишли хулосаси олинмаганлиги сабабли кун тартибидаги саккизинчи масала жамият акциядорларининг келгуси навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилишини ва ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига овоз берилмасликни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар 1 453 930 та овоз.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилмади.

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими мустакил баҳолашхисоботи олингандан сўнг жамият акциядорларининг кейинги, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилишда раислик килувчи Ш. Курбанов ўз сўзида 2019 йил якуни бўйича Миллий ва Халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик хулосалари олинмаганлиги сабабли “Жарқўғон паҳта тозалаш” АЖ томонидан 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойда тақсимоти жамият акциядорларининг келгуси йиғилишида, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилишини ва ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига овоз берилмасликни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”-; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар 1 453 930 та овоз.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйичаа акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилмади.

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосалари олингандан сўнг жамият акциядорларининг кейинги, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида жамият томонидан 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойда тақсимоти кўриб чиқилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик килувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб жамиятнинг кузатув кенгашининг 2019 йил 13 июлдаги қарори билан юклатилган ижроня органи раҳбари Худайкулов Джаманазар Раджабович билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш масаласи бўйича йиғилиш қатнашчиларига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –2 603 680 та овоз; “Қаршилар”–1 104 490 та овоз;
“Бетарафлар”–349 440 та овоз.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини бир йилга узайтирилсин.

Кун тартибидаги үн биринчи масала бўйича йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб, жамиятда 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўtkазиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган куйидаги тижорат таклифлари билан йигилиш қатнашчиларини таништириди:

T/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)	Халқаро молиявий ҳисбот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)
1	“XIMOYA-AUDIT” МЧЖ	18.05.2020 й. № 27/2 ва 17.05.2020 й. № 28/2	5500,0	5000,0
2	“BALANS-INFORM-AUDIT” МЧЖ	17.05.2020 й. № 05/11	5500,0	5500,0
3	“Мустакил-М” МЧЖ	18.05.2020 й. № 12 ва № 12/1	7000,0	6500,0

Мухокама давомида жамият бош ҳисобчиси Р. Турсунов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўtkазиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг кулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдириди.

Шундан сўнг, йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўtkазиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“HIMOYA AUDIT” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўtkазиш учун:

“Ёқлаганлар” – 2 603 680 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - 1 453 930 та овоз.

-Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўtkазиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.



Нотұғри тұлдирилган бюллетенлар 1 453 930 та овоз.

“Мустакил-М” МЧЖ - Миллий аудит стандартларыга мувофиқ аудиторлық текшируваниң үтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотұғри тұлдирилган бюллетенлар 1 453 930 та овоз.

Халқаро аудит стандартларыга мувофиқ аудиторлық текшируваниң үтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотұғри тұлдирилган бюллетенлар 1 453 930 та овоз.

“BALALANS-INFORUM-AUDIT” МЧЖ - Миллий аудит стандартларыга мувофиқ аудиторлық текшируваниң үтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотұғри тұлдирилган бюллетенлар 1 453 930 та овоз.

-Халқаро аудит стандартларыга мувофиқ аудиторлық текшируваниң үтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – 2 603 680 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотұғри тұлдирилган бюллетенлар 1 453 930 та овоз.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

1. 2020 йил якунни бўйича аудиторлық текширувани:

-Миллий аудит стандартларыга мувофиқ аудиторлық текшируваниң үтказиш учун “NIMOYA AUDIT” МЧЖ аудиторлық ташкилоти таинласин ва унинг хизматларига тўланадиган хақнинг миқдори – 5 500,0 минг сўм белгилансин;

-Халқаро аудит стандартларыга мувофиқ аудиторлық текшируваниң үтказиш учун “BALALANS-INFORUM-AUDIT” МЧЖ аудиторлық ташкилоти таинласин ва унинг хизматларига тўланадиган хақнинг миқдори- 5 500,0 минг сўм белгилансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юкорида кўрсатилган аудиторлық ташкилотлари билан белгилангандар тартибда шартномаларни тузеин;

-қонунчиликда белгилангандар муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йигилиши ва қузатув қенгашига аудиторлық текшируви натижалари бўйича хисобот ва хуносаларни киртсан.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори в.в.б Д.Худайкуловга сўз берилди ва у йигилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йигилиш қатнашчиларини таништирди (бизнес-режа 4-илова килинади).

Йигилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 057 610 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотұғри тұлдирилган бюллетенлар йүк.

Кун тартибидаги ўн иккінчи масала бүйича акциядорларнинг йиллик умумий ығилиши қарор қиласы:

1. Жамиятнинг 2020 йил учун мұлжалланган бизнес-режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн үчинчи масала бүйича ығилишда раислик килувчи Ш.Курбанов сүз олди ва жамият кузатув кенгашы альянсарни сайлаш учун жамиятнинг 2 567 840 дона акция эгаси "Сурхондарёпахтасаноат" ХАБ АЖ томонидан күрсатилган номздолар, 170 590 дона оддий акция эгаси Базарбаева Нигора Рахимжановна томонидан күрсатилган номздолар тұғрисида маълумот берди.

Унга асосан Миралиев Алишер Эркинович –Давлат активларини бошқариш агентлиги, Департамент бошлиги, Халбаев Тұрамурод Жайлович –Давлат активларини бошқариш агентлиги, Сурхондарё вилояты худудий бошқармаси, Бишкек мутахассис, Турсынов Фахриддин Иброхимович -“Узпахтасаноат” АЖ Бишкек мутахассиси, Искандаров Искандар Рустамович -“Узпахтасаноат” АЖ, Бишкәрув раисининг ўринбосари, Гулямов Нигматулло Кадирович-“Сурхондарё пахта минтакавий терминалы ” МЧЖ Қимматли қофозлар бүйича иқтисодчи, Маматқұлов Қаҳромон Нарзуллаевич - Давлат активларини бошқариш агентлиги, Сурхондарё вилояты худудий бошқармаси, Бишкек мутахассиси, Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич – “Давр мезони” МЧЖ мухбири, Қаюмов Махмуд Маннонович–Депозитрий "Сурхондарё ВАҚТ" МЧЖдиректори, Базарбоева Нигора Рахимжановна–уй бекаси акциядор, акциядорлар номздолари белгиланган тартибда кузатув кенгашы таркибига сайланиши учун күрсатилган ва кумулятив овоз бериш бүйича бюллетенларига киритилган.

Мұхокамадан сұнг, ығилишда раислик килувчи Ш. Курбанов акциядорлардан кузатув кенгашига күрсатилган номздоларни сайлаш учун үз муносабатларини кумулятив овоз бериш бүйича тузилған бюллетенлар орқали билдиришларини сұрады.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан күрсатилған номздолардан:

Миралиев Алишер Эркиновичга:

“Ёқлаганлар” –3 594 976 та овоз; “Қаршилар”- йүк; “Бетарафлар”- йүк.

Нотұғри тұлдирилған бюллетенлар йүк.

Халбаев Тұрамурод Жайловичга:

“Ёқлаганлар” –3 594 976 та овоз; “Қаршилар”- йүк; “Бетарафлар”- йүк.

Нотұғри тұлдирилған бюллетенлар йүк.

Турсынов Фахриддин Иброхимовичга:

“Ёқлаганлар” –3 601 416 та овоз; “Қаршилар”- йүк; “Бетарафлар”- йүк.

Нотұғри тұлдирилған бюллетенлар йүк.

Искандаров Искандар Рустамович

“Ёқлаганлар” –3 594 976 та овоз; “Қаршилар”- йүк; “Бетарафлар”- йүк.

Нотұғри тұлдирилған бюллетенлар йүк.



Гулямов Нигматулло Кадировичга:

“Ёқлаганлар” –3 624 376 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Маматкулов Қахромон Нарзуллаевичга:

“Ёқлаганлар”–йўқ; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Базарбаева Нигора Рахимжановна томонидан кўрсатилган номзодлардан
Қаюмов Махмуд Манноовичга:

“Ёқлаганлар” –3 808 875 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевичга:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Базарбаева Нигора Рахимжановнага:

“Ёқлаганлар” –3 808 875 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умуний
йигилиши қарор қиласди:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қўйидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Миралиев Алишер Эркинович – Давлат активларини бошқариш
аентлиги, Департамент бошлиги,

2. Халбаев Тўрамурод Жайлович – Давлат активларини бошқариш
аентлиги, Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси, Бош мутахассис,

3. Турсунов Фахриддин Иброҳимович - “Ўзпахтасаноат” АЖ Бош
мутахассиси,

4. Искандаров Искандар Рустамович - “Ўзпахтасаноат” АЖ, Бошқарув
раисининг ўринбосари,

5. Гулямов Нигматулло Кадирович - “Сурхондарё пахта минтакавий
терминали” МЧЖ Қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчи,

Базарбаева Нигора Рахимжановна томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Қаюмов Махмуд Манноович - "DAVINBROK" МЧЖ директори;

2. Базарбаева Нигора Рахимжановна –уй бекаси, акциядор.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик килувчи
Ш.Курбанов сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун
жамиятнинг 2 567 840 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ
тomonидан кўрсатилган номзодлар ва жамият акциядори 170 590 дона акция эгаси
Базарбаева Нигора Рахимжановна томонидан кўрсатилган номзод тўгрисида
маълумот берди.

1. Исломов Акмал Ҳакимович -"Сурхондарёпахтасаноат худудий филиали"
МЧЖ директори.

2. Чарiev Комил Абдуллаевич - Кимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси мутахассиси;

3. Сатторов Махмудхон Мухаммадиевич - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ, Ички назорат ва мониторинг бўлими бош мутахассиси.

4. Қодиров Ўткирбек Фозилович - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ, Юк хўжжатлари билан ишлаш оператори.

Муҳокамадан сўнг, йигилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш оркали билдиришларини сўради.

"Сурхондарёпахтасаноат" ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Исломов Акмал Ҳакимжановичга;

“Ёқлаганлар” – 4 057 610 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Чарiev Комил Абдуллаевичга;

“Ёқлаганлар” – 4 057 610 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Базарбаева Нигора Рахимжановна томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Қодиров Ўткирбек Фозилович:

“Ёқлаганлар”- 4 057 610 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1.Исломов Акмал Ҳакимович-"Сурхондарёпахтасаноат" худудий филиали"МЧЖ директори.

2.Чарiev Комил Абдуллаевич - Кимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси мутахассиси;

3. Қодиров Ўткирбек Фозилович - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ, Юк хўжжатлари билан ишлаш оператори.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов жамиятнинг бош директори в.в.б Д.Худайкуловга сўз берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 02/1-668-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 марта даги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сон қарорига мувофиқ пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йул ҳарита”сининг 1-банди “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссияси томонидан бажариладиган тадбирлар белгиланди.



Хусусан, “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидағи корхоналар ёки уларнинг активларини олиш истагини билдирган инвесторлар билан музокаралар ўтказиш, уларнинг таклифлари асосида объектнинг бошланғич нархини шакллантириш ва шу бошланғич шарт сифатида танлов савдоларига чиқариш, оммавий савдоларга иккиси ой муддат мобайнида таклиф этиш орқали Давлат тендер комиссияси қарори асосида сотиш чоралари кўриш “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига топнирилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бопкариш агентлигининг 2020 йил 8 майдаги “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатинин жадаллаштириш бўйича 383/01-08-сонли хати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидағи соҳавий ва носоҳавий активларни белгиланган тартибда сотинин ташкиллаштириш юзасидан берилган таклифларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан розилик (02/1-668-сонли, 11.05.2020 й.) олинди.

Шу муносабати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошкора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартиби тасдиқланди (тартиб нусхаси илова қилиади).

Мазкур Тартиб “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг инвестиция портфелидаги акция (улуш)ларни, шунингдек улар балансдаги кўчмас мулк объектларини тасарруф этиши мезонлари ва сотиш жараёнларининг ягона қоидаларини белгилаш орқали уларни соддалаштириши асосида тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” ва унинг тизим корхоналарининг активларини тезкор сотилишини ташкиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартағи ПҚ-4633-сон қарори, “Йул харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 11 майдаги 02/1-668-сонли топшириғи ижросини таъминлаш ҳамда “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари сотилиши ва самарали фойдаланишини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08-сонли хати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг активларини тасдиқланган Тартиб асосида оммавий савдоларга чиқарилишини, шу жумладан активларни оммавий савдоларга чиқариш масаласи бўйича тизим жамиятларининг бошқарув органлари қарорларини қабул қилинини ташкиллаштириш, бошқарув органлари қарорлари қабул қилинган кундан бошлаб уч кунлик муддатда активларни оммавий савдоларга чиқарилишини таъминланаш сўралган.

Юкоридагилардан келиб чиқиб “Жарқўргон нахта тозалаш” АЖ активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошкора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотишни ташкил қилиш юзасидан қўйидагилар таклиф этилди:

“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошкора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартибига асосан сотилишига розилик бериш;

Активларнинг сотилишини максимал ошкоралигини таъминлаш, шу жумладан:

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотларни (эълон, плакат, инфографика, ролик) етарли микдорда тайёрлаш;

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотлардан барча манфаатдор шахслар хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш, бунда жамият жойлашган худуд билан чегараланмаган ҳолда республика, имконият бўлса халқаро миқёсда тадбирларни амалга ошириш;

талабгорлардан таклифларни қабул қилинишини белгиланган тартибда ташкил этиш ва таклифлар тўғрисидаги жамланма маълумотларни “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига киритиб бориш;

Йиғилиш раиси Ш.Курбанов акциядорларга кун тартибидаги мазкур кун масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга жамиятнинг янги таҳрирдаги Низомларини маъқуллашни ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 603 680 та овоз; “Қаршилар”-1 453 930 та овоз;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

1. “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошкора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08-сонли хати маълумот ва ишда фойдаланиш учун қабул қилинсин.

4. “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошкора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартибига асосан сотилишига розилик берилсин.


5. “Жарқўргон пахта тозалаш” АЖ бош директорига:

утказилган хатлов натижаларига кўра аниқланган активларнинг сотиш тартибини белгилаган ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратиш;

қиймати қонунчиликда белгиланган йирик битимни ташкил этувучи активларни (мол-мулк, акция (улуш) пакетлари)ни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан сотилишини таъминлаш;

активларнинг сотилишини максимал ошкоралигини таъминлаш, шу жумладан:

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотларни (эълон, плакат, инфографика, ролик) етарли микдорда тайёрлансан;



сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотлардан барча манфаатдор шахслар хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида кенг камровли тарғибот-ташвиқот ишларии ташкил қилиш, бунда жамият жойлашган худуд билан чегараланмаган ҳолда республика, имконият бўлса ҳалқаро миқёсда тадбирларни амалга оширилсин;

талабгорлардан таклифларни қабул қилинини белгиланган тартибда ташкил этиш ва таклифлар тўғрисидаги жамланима маълумотларни “Ўзнахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига киритиб бориш вазифалари топширилсин.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамият бош директори в.в.б Д.Худайкуловга берди.

Д.Худайкулов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳаклилигини айтди ва акциядорлар эътиборига жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини 5-иловага мувофиқ ҳавола этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 603 680 та овоз; “Қаршилар”-1 453 930 та овоз;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

1. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 60-моддасига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинмаганлиги сабабли ушбу масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинмади.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамият молиявий масалалар буйича директори Р.Турсуновга берди.

Р.Турсунов акциядорларга жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ҳомийликлар тўғрисида акциядорларга ахборот берди (маълумот 6-илова килинади).

Мухокамада жамият бош директор в.в.б Д.Худайкулов иштирок этиб, ҳар бир ҳомийлик мақсадли равища Ҳукумат дастурлари асосида амалга оширилганлигини таъкидлаб, 2019 йилда 203 000 000 сўмлик ҳомийликларни рўйхатга асосан тасдиқланишиниҳамда жамият харажатига олиб боришга розилик берилишини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бүйича үз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –2 603 680 та овоз; “Қаршилар” –1 453 930 та овоз;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бүйичаакциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган хомийликлар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва жамият харажатига олиб борилсин.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Р.Турсуновга берди.

Р.Турсунов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари бўйича қарздорлик таҳлилини ўтказувчи ишчи-гурухи томонидан тасдиқланган хулосасига асосан қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 31 849 000 сўмлик дебиторлик ҳамда 96 641 000 сўмлик кредиторлик қарзлари мавжуд ва ушбу даъво муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия хужжатларида тегишли ёзувларни киритиш таклифини берди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича үз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –2 603 680 та овоз; “Қаршилар” –1 453 930 та овоз;
“Бетарафлар”–йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган 31 849 000 сўм дебиторлик ва 96 641 000 сўмлик кредиторлик қарздорликлар 7-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия хужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:

Ш. Курбанов

Йиғилиш котиби:

Ш.Баратов

Йиғилиш баённомаси 2020 йил 22 август куни икки нусхада тузилди.